



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

MAXSUS SON

MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ NAZARIYASI VA TARIXI. HUQUQIY TA'LIMOTLAR TARIXI

- 6 NURATDINOVA ILMIRA MURATBAYEVNA**
Inson huquqlarini ta'minlashda qonun ustuvorligining ahamiyati
- 14 AMINOV DALERJON ALISHER O'G'LI**
Norma ijodkorligi tushunchasi va uning huquq tizimidagi o'rni
- 20 ГУЛЯМОВ ФИРУЗ РАВШАНОВИЧ**
Совершенствование антикоррупционной экспертизы проектов для принятия законов прямого действия
- 32 ПАЛАЧЕВА МАДИНА БАХТИЁР КИЗИ**
Актуальные проблемы государственной политики в сфере законодательных гарантий прав человека
- 40 БУРХОНОВ ШОХРУХБЕК ШУХРАТБЕК УГЛИ**
Особенности и отличительные черты правовой культуры на современном этапе развития
-
- 46 ASHUROV DILSHOD RUSTAMOVICH**
Yangi O'zbekistonning nufuzi yuksalishida yangi notariatning o'rni
- 51 YUSUPOV SHERZOD ALISHEROVICH**
O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining Konstitutsiyaviy-huquqiy maqomi
- 59 NURMAMATOVA NOILA DONIYOROVNA**
Fuqarolar va yuridik shaxslar tomonidan konstitutsiyaviy sudlov organiga murojaat etishning nazariy va qiyosiy-huquqiy tahlili
- 67 АЗИМОВА НИЛУФАР ПУЛАТЖАНОВНА**
Совершенствование правового механизма оценки эффективности деятельности органов государственной власти в Узбекистане
- 77 JAHONOV SHOHRUH SHUHRAT O'G'LI**
Ommaviy axborot vositalari tomonidan jamoatchilik nazoratini ta'minlashda ayrim xorijiy davlatlar tajribasi
- 85 PARPIXO'JAYEV NUSRATULLO NIG'MATULLO O'G'LI**
Xalq deputatlari kengashlari qarorlarini qabul qilish ochiqligini ta'minlashning huquqiy masalalari

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ. MA'MURIY HUQUQ. MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 93 KOCHKINOVA HOLIDAXON MAKSU DALI KIZI**
Особенности оценки эффективности органов местного самоуправления
- 101 NASRETDINOVA OLTINOY PO'LATOVNA**
Davlat hokimiyati organlari rahbarlari faoliyati samaradorligiga ta'sir etuvchi omillar
- 107 SALAYDINOV UMID MUHIDDIN O'G'LI**
Prokuratura organlari va vakillik organlarining o'zaro munosabatlari bo'yicha xalqaro tajribaning tahlili
- 112 QOSHJANOVA DARIXA SMETOVNA**
Ma'muriy organlarning qarorlari ustidan shikoyat qilish tushunchasi, o'ziga xos xususiyatlari
- 120 ATADJANOV TIMUR ATABAEBICH**
Критерии оценки деятельности партийных групп представительных органов государственной власти на местах

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI.
OILA HUQUQI.
XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 129 QO'CHQOROV ABBOSJON BAHROMJON O'G'LI**
Muallifning mulkiy huquqlarini jamoaviy boshqaruvchi tashkilotlarning huquqiy maqomi: O'zbekiston va xorij misolida
- 135 RASULOV ASLIDDIN NURIDDINJON UGLI**
Вопросы либерализации деятельности СМИ в условиях развития Республики Узбекистан
- 141 SOBITXONOV JOXONGIR ZUNNURXON Y'GLI**
Ислом банклари ва улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ўзига хос жиҳатлари
- 151 UTAYEVA MOHIPARI SHAXRIYOROVNA**
Raqamli bozorda ustun (monopol) mavqeni suiiste'mol qilish muammolari: xorijiy tajriba
- 158 NAEEM ALLAH RAKHA**
Governance of digital economy

12.00.04 – FUQAROLIK PROTSESSUAL
HUQUQI.
XO'JALIK PROTSESSUAL HUQUQI.
HAKAMLIK JARAYONI VA MEDIATSIYA

- 163 NORBOYEV JO'RABEK ERKIN O'G'LI**
Fuqarolik sudlarida nizolarni hal qilishda qonuniy vakillik: maqomi, asoslari va tartibi
- 170 XOLIQOV SHOHRUX IKROMALI O'G'LI**
Xorijiy davlatlarda oilaviy mediatsiya institutining qiyosiy huquqiy tahlili

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI
OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

- 178 **ABDURAYIMOV SARDORJON QAHRAMON O'G'LI**
Shaxsning aybdorlik masalasini hal qilmasdan
jinoyat ishini tugatish tartibi
- 183 **TILLAYEV DO'STMUHAMMAD NE'MATJON O'G'LI**
Jazo tayinlashning umumiy asoslari: tahlil va taklif
- 190 **DJUMABAYEVA GULNAZA DJANABAYEVNA**
Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligida jinoyatchi
shaxsining umumiy tavsifi
- 195 **МАМАДЖАНОВА САБИНА УЛУГБЕК КИЗИ**
Ответственность за stalking в некоторых
зарубежных странах
- 204 **СУЛТОНОВА ЛОБАР МАМАРАЙИМ КИЗИ**
Институт освобождения несовершеннолетних
от уголовной ответственности или наказания
в англосаксонской правовой семье

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

- 213 **МУСУРМАНОВ ИСКАНДАР УБАЙДУЛЛАЕВИЧ**
Некоторые правовые вопросы применения
блокчейн-технологий в международной торговле
- 226 **АБДУЖАББОРОВА ФАРЗОНА**
Проблемы миграции Европы в современных
условиях

12.00.12 – KORRUPSIYA MUAMMOLARI

- 233 **SHAXRIYOROV HAMIDULLA SHUXRAT O'G'LI**
Korrupsiyaga oid jinoyatlar uchun javobgarlikka
tortish masalalari bo'yicha amaldagi qonunchilik
muammolari
- 241 **ХАМРАЕВА НОДИРА ГАНДЖАБАЙ КИЗИ**
Некоторые аспекты пенализации уголовных
наказаний за коррупционные преступления
юридических лиц

UDC: 347.734 (045)(575.1)

ИСЛОМ БАНКЛАРИ ВА УЛАР ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Собитхонов Жохонгир Зуннурхон ўғли,

Тошкент давлат юридик университети магистранти,

e-mail: sobitxonovjahongir@gmail.com

ORCID: 0000-0002-4318-0131

Аннотация. Ушбу мақолада ислом банки тушунчаси ва моҳияти, анъанавий банклардан фарқли жиҳатлари ҳамда улар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган. Шунингдек, таҳлиллар натижаси юзасидан миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган. Шу билан бирга, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари орасида ислом молияси, хусусан, ислом банкларига нисбатан шаклланиб қолган нотўғри қарашлар ва тушунчаларни тўғрилаш, уларда ушбу соҳа бўйича ишончли фундаментал билимларни шакллантириш ислом банклари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини ишлаб чиқиш билан бир хил аҳамияга эгаллиги ва ушбу жараён параллель амалга оширилиши лозимлигига урғу берилган.

Калит сўзлар: Ислом банки, шариъат, рибо, ғарар, майсир, муробаҳа, салам, истисна, ижара, музораба, мушорака.

ХАРАКТЕРИСТИКИ ИСЛАМСКИХ БАНКОВ И ПРЕДОСТАВЛЯЕМЫХ ИМИ УСЛУГ

Собитхонов Жохонгир Зуннурхон угли,

магистрант Ташкентского государственного

юридического университета

Аннотация. В данной статье разъясняется понятие и сущность исламского банкинга, его отличия от традиционных банков и специфика предоставляемых им услуг. По результатам анализа внесены предложения и рекомендации по совершенствованию национального законодательства. При этом важно исправить заблуждения и неверные представления об исламских финансах у граждан и бизнеса, в частности об исламских банках, сформировать надежные фундаментальные знания в этой области, а также разработать нормативную базу исламского банкинга, было подчеркнуто, что этот процесс должен осуществляться параллельно.

Ключевые слова: исламский банк, шариъат, риба, гарар, майсир, муробаха, салам, истисна, рента, музараба, мушарака.

CHARACTERISTICS OF ISLAMIC BANKS AND THE SERVICES PROVIDED BY THEM

Sobitxonov Joxongir Zunnurxon ugli,

Master's Student at Tashkent State University of Law

Abstract. This article explains the concept and essence of Islamic banking, its differences from traditional banks and the specifics of the services they provide. Based on the results of the analysis, suggestions and recommendations were made to improve national legislation. At the same time, it is important to correct the misconceptions and perceptions of Islamic finance among citizens and

businesses, in particular, about Islamic banks, to form a reliable fundamental knowledge in this area, as well as to develop a regulatory framework for Islamic banking and it was emphasized that this process should be done in parallel.

Keywords: *Islamic bank, shariah, riba, gharar, maisir, murabahah, salam, istisna, ijarah, muzaraba, musharakah.*

Кириш

Ислом банклари ислом молиясининг бир қисми бўлиб ўз фаолиятини шарийъат қоидалари асосида олиб боради ҳамда улар томонидан тузиладиган барча битимларда адолат ва тенгликни таъминлаш бирламчи шарт ҳисобланади. Ушбу ҳолат “рибо” (судхўрлик), “ғарар” (ахборот мувозанатининг бузилиши оқибатида ноаниқлик/мавҳумлик пайдо бўлиши, яъни шартнома иштирокчиларидан бири шартнома бўйича тўлиқ ахборотга эга бўлмаганлиги натижасида катта хатар ёки йўқотишга киришини билдиради) ва “майсир” (қимор ўйинлари ва спекуляция/чайқов амалиёти)нинг тақиқланганлиги ҳамда пул билан муомала қилишда яққол кўринади.

Юқоридаги тақиқлардан ташқари, ислом банкларининг энг муҳим ўзига хос хусусиятларидан бири унинг активлар билан таъминланган бўлиши шартлигидир. Молиялаштиришнинг анъанавий шаклида банк ва молия муассасалари фақат пул бирликлари билан ишлайдилар. Шунга кўра, улар учун товарлар билан савдо қилиш тақиқланган. Мисол учун, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо, суғурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас [1].

Ислом банкларида эса, пул савдо предмети сифатида тан олинмайди, чунки у ички қийматга эга эмас, у бор-йўғи алмашинув воситаси. Ислом банклари пул эвазига ички қийматга эга бирор нарсанинг устига устама қўйиб сотиш эвазига фойда олади. Шунинг учун ҳам анъанавий банклардан фарқли равишда исломда молиялаштириш активларга асосланган ҳисобланади.

Материал ва методлар

Таҳлиллар жараёнида тизимли таҳлил, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, мантиқий, социологик, тизимли-тузилмавий, формал-юримдик ўрганиш усуллари билан фойдаланилган ҳолда қуйидаги масалалар мазмун-моҳияти очиқ берилган, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишда эътиборга олиниши керак бўлган ўзига хос жиҳатлар кўрсатиб берилган ҳамда қонунчиликка тегишли таклифлар берилган.

Ислом банклари ва анъанавий банклар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқми? Шунчаки, улар анъанавий банкларнинг, уларнинг судхўрликка асосланган фаолиятининг ниқобланган шаклими? Ислом банклари шарийъат мақсадларига эътибор қаратмайдимиз ҳамда фойдага эришиш учун исломий атама ва молиялаштириш шакллари билан манипуляция қиладими? Ислом банклари барча муаммоларни ҳал қилувчи нажотқорми? Улар ҳайрия ташкилотими? Ислом банклари анъанавий банклар каби фоизга пул қарз бериши мумкин бўлмаса, унда ислом банклари қандай даромад олишади? Ислом банклари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг анъанавий банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлардан нимаси билан фарқ қилади?

Тадқиқот натижалари

Ислом банклари Ўзбекистон учун янги институт бўлганлиги сабабли одамларда турли хил саволлар ҳамда нотўғри тушунчалар пайдо бўлиши мумкин. Дастлаб, ушбу масалаларга аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ.

1. Ислом банклари ва анъанавий банклар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқми? Шунчаки, улар анъанавий банкларнинг, уларнинг судхўрликка асосланган фаолиятининг ниқобланган шаклими?

Ислом банклари рибо (судхўрлик) ёки таркибида ғарар (ҳаддан зиёд ноаниқлик) мавжуд бўлган амалиётлар билан, шу жумладан қарз олди-сотдиси билан ҳамда шариятга тўғри келмайдиган (ҳаром) маҳсулотлар савдоси билан шуғулланмайди. Ислом шарияти юқоридаги амалиётлар натижасида олинган даромадни одамлар молини ботил (ноҳақ) йўл билан ейиш деб ҳисоблайди.

Ислом банкларининг фаолият доираси шариятда тақиқланмаган соҳаларни тақиқланмаган воситалар орқали молиялаштириш ёки сармоя киритишга асосланади.

Бундан ташқари, ислом банклари пулнинг ўзи билан эмас, балки уни товарга айлантириб, муробаҳа, ижара, салам каби молия битимлари орқали мижозларни молиялаштиришади. Демак, ислом банк тизимида шартнома турлари, молиялаштириш усуллари, пул жалб этиш ва уларни инвестиция қилиш ҳамда бошқа амалиётлари билан анъанавий банклардан фарқ қилади. Ислом банклари фоиз эвазига қарз бериш ва қарз олиш билан шуғулланмаганлиги сабабли шартномалар билан боғлиқ хатарлар анъанавий банклардаги фоизли кредит шартномалари хатарларидан тубдан фарқ қилади [2, Б.40-41].

2. Ислом банклари шарият мақсадларига эътибор қаратмайди ҳамда фойдага эришиш учун исломий атама ва молиялаштириш шакллари билан манипуляция қиладими?

Маълумки, шарият беш нарса, яъни дин, жон, насл, ақл ва мол-мулк ҳимоясини мақсад қилади. Ислом банклари шулардан бири ҳисобланувчи мол-мулкни муҳофаза этиш ва сақлаб қолишни ўзининг устувор вазифаси деб билади. Шунингдек, ислом банклари ҳалол ризқ топишни кўйидагилар орқали таъминлайди:

тақиқланган (ҳаром) нарсалардан йироқ бўлган ислом молия хизматларини тақдим этиш ва шу орқали одамларни гуноҳлардан сақлаш;

одамларнинг уй-жой, автомашина, маиший жиҳозлар ва шу каби нарсаларга бўлган эҳтиёжини шаръий йўл билан қондириш;

одамларга уларнинг бўш турган маблағларини рибо ва қимор унсурларидан холи воситалар орқали турли лойиҳаларга инвестиция қилишда кўмаклашиш;

даромадлари чекланган инсонларга бериладиган қарзи ҳасан (фоизсиз қарз) бериш, закот ажратиш, хайр-эҳсон қилиш, ноқонуний фаолият доирасида олинган даромадларни ҳамда белгиланган тўловларини ўз вақтида қасддан амалга оширмаган мижозлардан ундирилган жарималарни хайрияга йўналтириш орқали жамият ривожига ҳисса қўшиш.

Шунингдек, ислом банкларининг барча терминологияси ва молиялаштириш воситалари ислом фикҳига оид китоблардан, ислом фикҳи академиялари фатво ва қарорларидан, шарият кузатув кенгашлари шаръий хулосаларидан, ААОIFI (Accounting and Auditing Organization for Islamic Financial Institutions) томонидан тасдиқланган шаръий стандартлардан олинади [3, Б. 41-44].

Юқоридаги иккита вазиятда ислом банкларига шубҳа билан қарайдиган шахслар томонидан илгари суриладиган қарашларни муҳокама қилдик ва бундай қарашлар асоссизлиги аниқлашди.

Ушбу фикрларга тескари тарзда ислом банкларини хайрия ташкилоти сифатида кўрувчи, уларга барча муаммоларнинг ечими сифатида қаровчи кишилар ҳам мавжуд.

3. Ислом банклари барча муаммоларни ҳал қилувчи нажоткорми? Улар хайрия ташкилотими?

Одамлар орасида ислом банклари ҳақида шаклланган нотўғри тушунчалардан бири ислом дини пул бериб фоиз олишни, яъни рибони бутунлай ҳаром қилган, демак ислом банклари ҳеч қандай эвазсиз (текинга) пул беришлари керак, деган қараш ҳисобланади.

Дарҳақиқат, фоизга пул (қарз) бериш динимизда қатъийян тақиқланган, демак, агар ислом банки қарз берса ва эвазига бирор нима олса у ҳолда бу рибо бўлади. Бироқ, ислом банки қарз берса ва эвазига ҳеч қандай тўлов олмаса, у ҳолда бундай (тижорат нуқтаи назаридан) бефойда амалиёт бирор-бир тадбиркорни қизиқтирмаслиги аниқ. Агар ислом банклари хайрия ташкилоти сифатида фаолият юритиши керак, дейдиганлар бўлса, у ҳолда улар буни бироз

тасаввур қилиб кўришса, хайрияга олинган пуллар қисқа муддатда тугашини ва бошқа бирор шахс хайрия қилмагунча қайта ишламаслигини тушуниб етишади.

Қайд этиш керакки, ислом банклари ҳам тижорат ташкилоти бўлиб, молиявий фойда олиш мақсадида ташкил қилинган ҳисобланади. Уларнинг ҳам анъанавий банкларга ўхшаб ўз акциядорлари, сармоядорлари борлигини унутмаслик керак.

4. Шу ўринда ҳақли савол туғилади, ислом банклари анъанавий банклар каби фойда пул қарз бериши мумкин бўлмаса, унда ислом банклари қандай даромад олишади?

Ислом банки бир тарафдан сармоядорларнинг маблағларини ишонч ва шерикчилик асосида бошқарса, иккинчи тарафдан ушбу жалб қилинган маблағларни жисмоний ва юридик шахсларнинг турли тadbirkorlik лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтиради ва шу орқали даромад олади. Олинган даромад банк акциядорларига ҳам (дивидендлар кўринишида), сармоядорларига ҳам (фойда кўринишида), давлатга ҳам (солиқлар кўринишида) ва ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларга ҳам (закот кўринишида) манфаат келтиради.

Ислом банки ўз фаолиятини қуйидаги манбалардан молиялаштиради:

- 1) ўз акциядорларнинг маблағлари ҳисобидан.
- 2) қимматли коғозлар (сукук) чиқариб сотиш ҳисобидан.
- 3) сармоя омонатлари қабул қилиш ҳисобидан (мудораба).
- 4) ишонч асосидаги омонатлар (вакала) қабул қилиш ҳисобидан.
- 5) муддатли омонатлар ҳисобидан.

Ислом банки шариятга номувофиқ бўлмаган баъзи анъанавий банк хизматларни (масалан, пул ўтказмалари, тўловлар, валюта айирбошлаш каби чакана хизматлар) кўрсатиш, ҳамда ислом молия тамойилларига мувофиқ бўлган турли молия битимлари орқали даромад олади, жумладан:

1) мол-мулк (активлар) олди-сотдисини молиялаштириш (масалан муробаҳа шартномаси) орқали.

2) ижара (исломий лизинг) амалиёти орқали.

3) инвестиция фаолияти, яъни турли корхоналарга тўғридан-тўғри сармоя киритиш орқали (мушорака).

4) йирик лойиҳаларни, масалан, қурилиш билан боғлиқ лойиҳаларни истисна шартномаси орқали молиялаштириш.

5) қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларини молиялаштириш орқали (салам шартномаси).

6) бошқа турдаги молия битимлари орқали (масалан, турли ислом молия маҳсулотлари йиғиндисидан иборат мураккаб маҳсулотларни қўллаш орқали молиялаштириш) [4].

Таъкидлаш жоизки, ислом банклари ҳам анъанавий банклар каби ўз фаолиятини маълум турдаги шартнома ва битимларни тузиш орқали амалга оширади. Қуръони Каримда Аллоҳ таъоло шундай марҳамат қилади:

“Эй, иймон келтирганлар! Аҳдномаларга вафо қилинг!” (“Моида” сураси 1-оят) Қуръони Каримнинг ушбу ояти Исломда шартномалар учун асос дейиш мумкин. Шартнома араб тилида “ақд” деб номланади, бу “боғлаш”, “тугун” ёки “қўшилиш” деган маънони англатади. Исломда шартномаларга алоҳида аҳамият қаратилади, шунинг учун ҳам молия соҳасидаги барча шартномалар шарият қоидалари асосида тузилиши лозим.

Ўз навбатида, шартнома шариятга мувофиқ бўлиши учун қандай талабларга жавоб бериши лозим деган савол туғилади.

Умуман олганда, ҳар қандай шартнома шариятга мувофиқ бўлиши учун 6 та асосий шарт мавжуд бўлиши керак:

- 1) ўзаро розилик (консенсус).

Консенсус тарафлар ўзаро келишувга эришганини билдиради. Бунда, тарафлар шартнома тури ва унинг асосий шартлари бўйича ўзаро келишиб олишлари лозим бўлади.

2) Лаёқатлилик.

Шартномага киришувчи шахс шартнома тузиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Вояга етмаган шахс ҳамда муомалага лаёқатсиз шахс фуқаролик-ҳуқуқий муносабатга киришиш қобилиятига эга эмас ва шу туфайли улар томонидан тузилган битимлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

3) Иккала томоннинг ҳам шартнома шартларини бажара олиши.

Агар бир киши шартнома бўйича ўз мажбуриятини бажариши мумкин бўлмаса, шартнома боғланмайди. Масалан, дарёдаги балиқни сотиш мумкин эмас, чунки сотувчи томон балиқ сотилгандан кейин уни харидорга тақдим этишга қодир эмас. Аммо аквариумдаги балиқни сотиш жоиз, чунки сотувчида савдо маҳсулоти (балиқ) бор ва уни харидорга тақдим этиш имконияти ҳам бор.

4) Шартноманинг бажарилиши ва мақсади шароитга мос бўлиши керак.

Рибо асосида битим тузиш шароитга зид ҳисобланади. Шунингдек, бирор-бир кишини мол-мулкни ўғирлаш учун одам ёллаш шартномаси ноқонуний бўлади, чунки шартноманинг мақсади ножоиз.

Юқоридаги қисқача таҳлиллар орқали ислом банклари моҳияти ва мақсади ҳамда анаъанавий банклардан фарқли жиҳатлари ҳақида тушунча ҳосил қилдик. Қуйида эса, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар, яъни тақлиф этиладиган шартномаларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтаемиз.

Ислом банклари томонидан тақлиф этиладиган шартномалар асосан учта катта гуруҳга бўлинади. Булар савдога асосланган битимлар (муробаҳа, салам, истисна), шерикчиликка асосланган битимлар (мушорақа, музораба) ва ижара битимлари ҳисобланади. Бундан ташқари, бошқа турдаги шартномалар ҳамда турли шартномаларни бирлашган кўриниши бўлган мураккаб шартномалар ҳам мавжуд бўлиб, мақолада фақат ислом банклари томонидан кўп қўлланилувчи шартномаларнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида сўз юритилади.

1. *Муробаҳа (келишилган баҳо бўйича олди-сотди)*. Муробаҳа бир тараф (сотувчи) ва бошқа тараф (сотиб олувчи) ўртасида келишилган баҳо бўйича товар баҳосига сотувчининг устамасини ҳисобга олган ҳолда товарлар олди-сотдисини ўзида акс эттирадиган битим ҳисобланади. Муробаҳа кенг маънода активларни олди-сотди йўли орқали молиялаштиришдир.

Муробаҳа шартномасининг шартларига кўра томонларнинг бири банк ўз ҳисобидан, лекин харидор номидан ҳаракат қилган ҳолда, харидор тақдим этган буюртманомада баён этилганига мувофиқ маълум бир товарни сотиб олади. Харидор банкка товарнинг баҳоси, унинг бозорда мавжудлиги ва бошқа маълумотларни ҳам тақдим этади. Банк томонидан харидор буюртма берган товарнинг учинчи томондан сотиб олиниши билан муробаҳа шартномаси кучга киради. Шарнома тузиш ва кейинчалик шартнома предметига бўлган эгалик ҳуқуқининг ўтказишнинг асосий шarti сотувчининг кўрсатилган товарга ҳақиқатда эгалик қилиши ҳисобланади [5, 134-b.].

Шунингдек мазкур турдаги шартномалар қуйидаги ўзига хос хусусияларга эга.

Муробаҳа фоизга бериладиган кредит эмас, балки мижоз билан келишилган ҳолда унинг учун зарур бўлган маҳсулотни тўлов муддатини узайтириш орқали устама билан сотишдир (бунда мижоз билан келишилган устама, яъни молия муассасининг фойдаси маҳсулот нархига кўшилади).

Муробаҳа фақатгина мижоз учун зарур бўлган муайян маҳсулотни (шу жумладан эҳтиёт қисмлар ёки ишлаб чиқариш учун керакли бўлган хом ашё) сотиб олиб бериш учун қўлланилади. Мижознинг ўзи аввал сотиб олиб бўлган маҳсулот нархини тўлаш, ишчи/ходимларга ойлик бериш ёки коммунал тўловларни амалга ошириш учун муробаҳа қўлланилиши мумкин эмас.

Молия муассасаси мижозга сотилаётган маҳсулотга эга бўлиши керак, яъни ўзи эга бўлмаган маҳсулотни сотиши мумкин эмас. Маҳсулот молия муассасаси эгалигида бўлиши, маҳсулот харид қилиниб мижозга етказиб берилгунга қадар бўлган қисқа муддат ичида молия

муассасасининг хатари доирасида бўлишини англатади, яъни шу давр ичида маҳсулотга бирор талофот етиш хатари молия муассасасининг зиммасида бўлади [6].

Юқоридаги таҳлилга кўра, ушбу ҳолатда олди-сотди дуруст бўлишининг асосий талабларидан бири савдо моли сотувчинг тасарруфида бўлиши лозим экан. Демак, савдо моли мавжуд бўлиши керак. Мавжуд бўлмаган маҳсулотни сотиш мумкин эмас. Сотувчида ўша маҳсулотга нисбатан эгалик ҳуқуқи бўлиши керак. Шунингдек, маҳсулот мавжуд бўлиб, сотувчи маҳсулотга эгалик қилса-ю, аммо уни тасарруф қилиш (масалан молни харидорга етказиб бериш) имконияти бўлмаса ҳам олди-сотдини амалга ошириб бўлмайди.

Юқоридаги умумий қоидаларга истисно тариқасида шарийатда икки савдо тури, яъни салам ва истисна шартномаларига рухсат берилган. Буларнинг иккиси ҳам ўзига хос савдо битимлари бўлиб, юқоридаги шартларнинг айримлари топилмаслиги ёки бошқача бўлиши мумкин.

2. Салам (олдидан молиялаштириш). Салам товар қийматини нақд тўлаш ва уни етказиб бериш муддатини кечиктириш орқали сотишни ўзида касб эттиради. Салам шартномаси бўйича бир тараф (банк) иккинчи тараф (ижрочи)га товар қийматига тенг маълум бир миқдорни беради, у эса, ўз навбатида тарафлар келишган тафсилотли рўйхатга мувофиқ, маълум бир муддатда товар етказиб бериш мажбуриятини олади.

Шу ўринда бир савол туғилади. Савдо ёки ишлаб чиқариш корхонаси бўлмаган ва моҳияти бўйича молиявий воситачи ҳисобланадиган банкка мазкур товар нима учун керак?

Маълумки, ушбу товарни бирданига сотишнинг иложи йўқ, чунки товарнинг ўзи ҳам ҳали мавжуд эмас ҳисобланади.

Бунда ижрочида фақат қарз мажбурияти бор, мусулмон фикҳи бўйича эса қарз савдо предмети бўлиши мумкин эмас ҳисобланади. Худди муробаҳа билан бўлгани каби бундай вазиятнинг ечими яна бир ўхшаш салам деб аталган шартнома тузиш ҳисобланади, банк бунда товар етказиб берувчи сифатида қатнашади. Салам шартномасидаги банкнинг мижозга бўлган талаби бошқа бирор-бир битим бўйича, масалан муробаҳа мажбурияти бўлиши мумкин.

Салам шартномаси тузишдан банкнинг манфаатдорлиги шундаки, банк ўзи сотиб олаётган товарни бозордагига нисбатан арзонроқ баҳода сотиб олиши мумкин. Банк шартнома бўйича мижоз ўз мажбуриятини бажариш вақтига қадар, бозорда товарнинг арзонлаб кетиши хатарини зиммасига олади [7, Б. 137-138].

Салам савдосини тартибга солувчи шартлар анча қаттиқ бўлиб қуйидаги ўзига хосликларни назарда тутлади.

1) Шартнома дуруст бўлиши учун харидор олди-сотди битимини имзолаётган пайтда сотувчига мол нархини тўлиқ тўлаши керак. Чунки харидор маҳсулот учун тўловни амалга оширмаса, бу худди қарз нарсани қарзга савдо қилгандек бўлиб қолади. Бундай савдо эса шарийатимизда таъқиқланган. Бундан ташқари, саламга рухсат берилишининг асосий ҳикмати сотувчининг савдо вақтидаги пулга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Агар маҳсулот учун тўлов тўлиқ равишда амалга оширилмаса, битим ўз моҳиятини йўқотади.

2) Салам савдоси фақат сифати ва сони/миқдори аниқ ўлчанадиган маҳсулотларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Сифати ва миқдорини аниқ ўлчаб бўлмайдиган нарсаларни салам орқали сотиб бўлмайди.

5. Салам олди-сотдиси битим имзоланиши билан дарҳол етказиб берилиши шарт бўлган нарсаларга нисбатан қўлланилмайди. Масалан, агар кумуш эвазига олтин сотиб олинаётган бўлса, шарийат талабига биноан иккаласи ҳам бир пайтнинг ўзида етказиб берилиши керак. Бунда салам савдоси ишламайди. Шунингдек, агар буғдой арпага айирбошланаётган бўлса, савдо дуруст бўлиши учун иккала маҳсулот ҳам бир пайтнинг ўзида етказиб берилиши керак. Бунда ҳам салам савдосига рухсат йўқ.

6) Ҳозирда айнан ўзи мавжуд бўлган маҳсулотларга нисбатан салам шартномасини қўллаш жоиз эмас. Чунки белгиланган муддат якунига қадар бу маҳсулотлар ҳалокатга учраши ёки йўқ бўлиб кетиши мумкин. Салам савдоси ҳозирда мавжуд бўлмаган, лекин келажакда бўладиган,

муайян сифатлар билан сифатланган маҳсулотлар учун жоиз бўлади [8, Б. 129-130].

Шу ўринда, бир нарсага эътибор бериш керак, ислом банклари томонидан салам шартномалари асосан қишлоқ хўжалигида ҳосилни олдиндан молиялаштириш мақсадида фойдаланилади. Шунинг учун, айрим кишиларда салам шартномаси анъанавий қўлланиладиган фьючерс шартномаси билан бир хил экан деган фикир пайдо бўлиши мумкин. Бироқ, салам савдосида битим тузилаётган вақтда нарх аниқ белгиланиши керак бўлади. Фьючерс шартномасида эса нархни келажакдаги бозор баҳосига боғлаб қўйиш мумкин.

3. Истисна (қурилиш ёки ишлаб чиқаришни молиялаштириш).

Истисна қурилиш ёки ишлаб чиқариш битими бўлиб салам шартномаси каби маҳсулот пайдо бўлишидан олдин унинг олди-сотдиси амалга ошириладиган шартнома тури ҳисобланади. Бунда буюртмачи мижоз/харидор ишлаб чиқарувчи (ёки қурувчи) ташкилотга муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш (ёки бирор иншоотни қуриб бериш) буюртмасини беради. Агар ишлаб чиқарувчи буюртма берилган маҳсулотни ўз хом ашёсидан ишлаб чиқариш мажбуриятини олса истисна битими юзага келади. Истисна жоиз бўлиши учун ишлаб чиқарилиши кутилаётган маҳсулот нархи томонларнинг розилиги билан белгиланиши, ҳамда маҳсулотнинг барча хусусиятлари бўйича бир келишувга эришишлари лозим.

Истисна шартномаси ишлаб чиқарувчига маҳсулотни ишлаб чиқариш масъулиятни юклайди, аммо, у ишлаб чиқаришни бошламасдан олдин томонлардан бири иккинчи томонга огоҳлантириш берган ҳолда, шартномани бекор қилиши мумкин. Бироқ, ишлаб чиқарувчи маҳсулотни ишлаб чиқаришни бошлагандан кейин шартномани бир томонлама бекор қилиб бўлмайди [9].

Истисна молиялаштириш воситаси сифатида ҳам қўлланилиши мумкин (масалан кўчмас мулк сотиб олишда). Агар мижоз ўз ер майдонига эга бўлиб, турар жой қуриш учун маблағ қидираётган бўлса, молиявий ташкилот ўша ер майдонида истисна шартномаси асосида турар жой қуриб бериши мумкин. Агар мижоз ер майдонига эга бўлмаса ва у ер майдони сотиб олишни ҳам истаса, молиявий ташкилот маълум бир ер майдонида уй қуриб, сотиши ҳам мумкин.

Истисна шартномасида нархни олдиндан ёки ҳатто етказиб бериш вақтида ҳам тўлаш шарт эмас. Тўлов муддати тарафларнинг келишувига кўра белгиланиши мумкин. Тарафлар тўловлар жадвали тузиши ва харидор ўша жадвалга асосан бўлиб-бўлиб тўлаши мумкин.

Банк уй-жойни ўзи қуриши шарт эмас. У учинчи шахс билан параллел истисна шартномаси тузиб ёки бошқа бир пудратчи ташкилотга буюртма бериб, турар жойни қурдириши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам ташкилот барча харажатларни ҳисоблаб, ўзига етарли даражада фойда қолдирадиган истисна шартномасининг нархини белгилаши мумкин. Мижоз истисна шартномаси имзоланган кундан бошлаб тўлов қилишни бошлаши мумкин ва қурилиш жараёни давомида ҳам, турар жой битказилиб мижозга топширилгандан кейин ҳам, тўловларни давом эттириши мумкин. Тўловларнинг ижросини кафолатлаш мақсадида турар жой ёки ер майдонининг эгалик ҳуқуқи ёки мижознинг бошқа бир мулкнинг эгалик ҳуқуқи охирги тўлов амалга оширилгунча молия ташкилотига гаров сифатида тақдим қилиниши мумкин.

Истисна битими лойиҳаларни молиялаштириш соҳасида ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан, мижоз ўзига қарашли корхонада телефон ишлаб чиқариш линиясини йўлга қўймоқчи бўлса ва бунинг учун керак бўладиган ускуналарни молия ташкилоти ёки банк тайёрлаб бериш мажбуриятини олиши мумкин. Истисна шартномасини кўприк, йўл ва шунга ўхшаш қурилиш иншоотларини молиялаштиришда ҳам қўллаш мумкин [10, Б. 138-139].

4. Ижара. (лизинг).

Ислом ҳуқуқшунослигида ижара атамаси иккита ҳолатда қўлланади. Биринчиси, “иш ҳақи эвазига ёлланган шахснинг хизматидан фойдаланиш” маъносини беради. Ушбу ижара тури, бир томон иккинчи томонни (яъни унинг хизматини) ёллаган ҳар қандай битимни ўз ичига олади.

Ижаранинг иккинчи тури инсонларнинг хизматларига эмас, балки мол-мулкка тааллуқдир. Ижара бу маънода “бирор мулкни ижара ҳақи эвазига бошқа бир шахсга бериб туриш” деган маънони англатади.

Ушбу мақолада ижаранинг иккинчи тури ҳақида сўз боради, чунки ижаранинг бу тури кўпроқ сармоя киритиш ва молиялаштириш билан боғлиқ.

Ижара қоидалари, лизинг маъносида, савдо қоидаларига жуда ўхшайди, чунки ҳар икки ҳолатда ҳам бирор нима, бошқа бир шахсга маълум бир қиймат эвазига берилади. Ижара ва савдо-сотиқ ўртасидаги асосий фарқ шундаки, савдо-сотиқда мол-мулкнинг эгалик ҳуқуқи харидорга ўтади, ижарада эса фақатгина мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи ижарачига ўтади [11, 110-111-б.].

Фоизсиз ишлайдиган молия муассасалари фаолият бошлаган пайтга келиб лизинг бутун дунёда молиялаштириш усули сифатида кенг қўлланилаётган эди. Дастлаб ислом банклари анъанавий лизинг ўзлаштирилиб, қўлланила бошланган, бироқ уларнинг кўпчилиги “молиявий лизинг”ни амалий (ҳақиқий) ижарадан кўра кўпроқ фоизли молия амалиётига ўхшаш томонлари борлигига эътибор қаратишмаган. Шу сабабли, улар анъанавий молия муассасалари фойдаланадиган лизинг шартномалари намуналаридан ҳеч қандай ўзгаришларсиз фойдалана бошлаган, ҳолбуки уларнинг бир қатор шартлари шариятга мос эмас эди.

Қуйида замонавий молиявий лизинг ва исломда рухсат этилган ижара ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтамиз.

Савдо битимидан фарқли ўлароқ, ижара шартномаси келажакдаги бирор муайян санадан бошланиш шarti билан тузилиши ҳам мумкин. Демак, шариятда бирор нимани олдиндан сотиш таъқиқланган бўлсада, ижарада бунга рухсат берилади, албатта бунда ижара ҳақи тўлаш ҳам ижарага берилаётган мулк ижара олувчига тақдим этилгандан кейин бошланади.

Молиявий лизингнинг аксарият кўринишларида лизинг берувчи молия муассасаси лизингга берилаётган мулкни лизинг олувчининг ўзи орқали сотиб олади. Бунда лизинг олувчи мулкни лизинг берувчи номидан сотиб олади, лизинг берувчи эса мулк нарҳини сотувчига (яъни мол етказиб берувчига) тўғридан-тўғри ёки лизинг олувчи орқали ўтказади.

Баъзи лизинг шартномалари, лизинг берувчи тўловни амалга оширган кундан бошлаб кучга киришини кўзда тутаяди, бунда лизинг олувчи мулкни қабул қилиб олган ёки олмаганлиги эътиборга олинмайди. Бу эса, лизинг олувчининг жавобгарлиги лизингга олинаётган мулкни қабул қилиб олишидан олдин бошланишини англатади. Бироқ, шариятда бунга йўл қўйилмайди, чунки бу ҳудди мижозга берилган пул учун ижара ҳақи олишдек гап, яъни бу айни рибо ҳисобланади.

Шариятга кўра, ижара ҳақи бўйича тўловларни амалга ошириш лизинг олувчи мулкни қабул қилиб олгандан кейин бошланади, лизингга олинаётган мулк учун тўлов амалга оширилгандан кундан эмас. Агар мол етказиб берувчи тўловни тўлиқ равишда қабул қилиб олгандан кейин молни етказиб беришни кечиктирса, лизинг олувчи бу давр учун жавобгар бўлмайди. Манашу тўғри йўл ҳисобланади [12].

5. Музораба (ишончли молиялаштириш).

Музораба ислом банкларининг актив амалиётларида банкнинг бирор-бир инвестицион лойиҳаларга капитал қўйилмаларини назарда тутаяди. Мазкур молиялаштириш усулининг асосида ётган тамойилларига мувофиқ лойиҳани молиялаштириш, уни амалга ошириш ва фойдалилиги молиялаштирувчининг, яъни банкнинг зиммасида бўлади [13, Б.130].

Ислом молиясида бир томоннинг сармояси, иккинчи томоннинг эса тадбиркорлик қобилияти, тажрибаси ҳисобига фойда олишга қаратилган битим музораба деб номланади. Ислом банкларида музораба битими 3 та асосий қисмга ажратилиши мумкин:

1. Сармояни тасарруф этишда музорибнинг эркинлигига кўра

а) Мутлақ музораба.

Ушбу турдаги битимда музориб сармояни ўзи хоҳлаган соҳага ҳамда сармоя эгасининг ҳеч қандай аралашувисиз эркин ҳолда инвестиция қилиши мумкин бўлади. Бу турдаги битимлар ислом банкларининг маблағларни жалб этиш йўналишида олиб борадиган фаолиятининг устун шакли ҳисобланади. Чунки банк ўз омонатчилари пулларини шароитга мувофиқ соҳаларда ишлатиши учун тўлиқ эркин бўлишга ҳаракат қилади.

б) Чекланган музораба.

Бу турдаги шартномаларда сармоя эгаси музорибга муайян шартлар ва чекловларни белгилаб беради. Ушбу талаблар сармоя киритиладиган соҳага, маблағларни бошқариш усулига, сармоя муддатига, шунингдек сармоя киритиладиган жой ва ундан манфаат оладиган инсонларга нисбатан ҳам қўйилиши ҳам мумкин.

2. Музораба шартномаси қандай якунланишига кўра

а) Эгалик билан якунланувчи музораба.

Музораба шартномасининг бу турида сармоя эгаси лойиҳадаги ўз улушини музорибга босқичма-босқич ёки бир марталик тўлов эвазига сотади. Бу худди эгалик билан якунланувчи мушорака битимига ўхшаб кетади.

б) Эгалик билан якунланмайдиган музораба.

Бу одатий битим бўлиб, инвестиция муддати якунига етгач ҳамда олинган фойда томонлар ўртасида келишилган нисбатда тақсимлангач, сармоя ўз эгасига қайтарилиши назарда тутилади.

3. Иштирокчилар сонига кўра

а) Икки томонлама ёки оддий музораба.

Мазкур шартномада бир киши сармоя киритади, иккинчи киши эса ишни юритади/ лойиҳани бошқаради, яъни битим фақат иккита томон ўртасида имзоланади. Лекин ислом банкларида бу турдаги музораба битимидан фойдаланиш биров қийинчилик туғдиради. Чунки аксар ҳолларда битта сармоядорнинг маблағи йирик лойиҳани тўлиғича молиялаштиришга етмайди.

б) Жамоавий ёки қўшма музораба битими.

Мазкур битим ислом банкларида жуда кенг тарқалган битимлардан бири ҳисобланади. Бунда ислом банки (музориб сифатида) жамғарма эгаларига уларнинг сармояларини инвестиция қилиб беришни таклиф қилади, сўнг эса ислом банки (сармоя эгаси сифатида ёки жамғарма эгаларининг вакили сифатида) бошқа тадбиркорларга инвестиция киритмоқчи эканлигини билдиради. Олинган фойда уччала томон ўртасида келишилган нисбатда тақсимланади. Йўқотиш ва зарарлар эса маблағ эгаларининг зиммасида бўлади [14].

б. Мушорака (шерикчилик).

Мушорака икки ёки ундан ортиқ тарафлар ўртасидаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик/ мулкий шерикчилик ҳисобланади. Бунда шериклар маълум миқдордаги пул ёки мол-мулк шаклидаги сармояларини умумий бизнесга тикади ва ушбу бизнес доирасида кўрилган фойда томонларнинг келишувига асосан, зарар эса ҳар бир шерикнинг умумий сармоядаги улушига мутаносиб равишда тақсимланади.

Шароитда фоиз асосида молиялаштириш адолат тамойилининг бузилиши бўлиб, бунда тарафларнинг бирига нисбатан адолатсизлик содир бўлади, чунки қарз олувчи зарар кўрса ҳам олдиндан ўрнатилган даромадни талаб қилиш унга нисбатан адолатсизлик, қарз олувчи кутилганидан анча кўп фойда кўрса ҳам олдиндан белгиланган даражада даромад бериши қарз берувчига нисбатан адолатсизлик бўлади. Мушоракада эса молиялаштирувчи тараф пул тикилган бизнесга бевосита боғлиқ бўлади, бизнес қанчалик моливий жихатдан муваффақиятли бўлса, молиялаштирувчи тараф ҳам шунчалик кўп даромад олади. Зарар ҳам шундай. Мана шу, икки тараф учун ҳам адолатли шартномадир.

Тарафларнинг фойдадаги улуши шартнома тузиш пайтида келишилган бўлиши керак, акс ҳолда шартнома шаръий жихатдан кучга эга бўлмайди. Ҳар бир шерик учун фойда улуши, олинган ҳақиқий фойдага мос равишда тақсимланади, унинг бизнесга тиккан сармоясига

мутаносиб равишда эмас (яъни фойда кўрилса унга фойдадан аввалдан келишилган миқдорда улуш ажратилади, агар фойда кўрилмаса улуш ажратилмайди). Шунингдек, ҳар қандай шерикка қатъий миқдордаги тўловлар қилинишига келишиш ёки унинг бизнесга киритган сармояси асосида фойда миқдорини олдиндан белгилаш мумкин эмас.

Агар шериклардан бирортасига қатъий белгиланган тўлов қилиниши ёки бизнесга киритган сармояси асосидаги тўлов амалга оширилиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда, мушорака шартномаси муддати якунига етганда ушбу амалга оширилган тўловлар шу шерикнинг фойдадаги улушидан ушлаб қолиниши, ёки агар фойда кўрилмаса у ҳолда амалга оширилган тўловлар шу шерик томонидан қопланиши ҳақидаги банд шартномага киритилиши лозим [15].

Хулосалар

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда нафақат ислом банклари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқиш, балки, параллель равишда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида ислом молияси, ислом банклари моҳияти бўйича тўғри тушунчаларни ҳосил қилишни тарғиб қилиш талаб этилади. Шунингдек, ислом банкларининг ташкил этилиши, фаолият олиб бориши, тугатилиши, назорат қилинишини, солиққа тортилишини тартибга солиш мақсадида “Марказий банк тўғрисида”ги, “Банк ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунларга, Солиқ кодексига ўзгартириш киритиш ҳамда “Ислом банклари тўғрисида”ги янги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, ислом молиясига оид шартномавий-ҳуқуқий масалаларни тартибга солиш, янги мажбуриятларни асосларини белгилаш мақсадида Фуқаролик кодексига ўзгартириш киритиш, шунингдек, “Ислом молиявий хизматлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни [Law of the Republic of Uzbekistan “On Banks and Banking”] // www.lex.uz
2. Hamad Farooq Al Shaikh “Frequently asked questions about Islamic banks” First Edition 1440 H-2019 AD, Bahrain Islamic Bank P. 74.www.bisb.com
3. Hamad Farooq Al Shaikh “Frequently asked questions about Islamic banks” First Edition 1440 H-2019 AD, Bahrain Islamic Bank P. 74.www.bisb.com
4. <https://islommoliyasi.uz/uz/beozor-bank/>
5. Беккин Р.И. Ислам иқтисодий модели ва замон, Тошкент, –Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2019. Б. 360. [Islamic Economic Model and Time] Bekkin R.I. Tashkent, –Press.: NMIU “Uzbekistan”, 2019. P. 360.
6. Available at: <https://islommoliyasi.uz/uz/%d0%bc%d1%83%d1%80%d0%be%d0%b1%d0%b0%d2%b3%d0%b0-2-%d2%9b%d0%b8%d1%81%d0%bc/>
7. Беккин Р.И. Ислам иқтисодий модели ва замон [Islamic Economic Model and Time]. Tashkent, Press.: NMIU “Uzbekistan”, 2019. P. 360.
8. Muhammad Taqi Usmani An Introduction to Islamic Finance, Karachi, 1998. P. 169.
9. <https://islommoliyasi.uz/uz/istisna/>
10. Muhammad Taqi Usmani An Introduction to Islamic Finance, Karachi, 1998. P. 169.
11. Muhammad Taqi Usmani An Introduction to Islamic Finance, Karachi, 1998. P. 169.
12. <https://islommoliyasi.uz/uz/ijara-lizing/>
13. <https://islommoliyasi.uz/uz/islom-banklarida-muzoraba-bitimining-qollanilishi/>
14. <https://islommoliyasi.uz/uz/mushoraka-asosiy-qoidalari/>

YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

MAXSUS SON

Mas'ul muharrir: D. Xudoynazarov

Muharrirlar: Sh. Jahonov, K. Abduvaliyeva,
F. Muhammadiyeva, Y. Yarmolik

Texnik muharrirlar: U. Sapayev, D. Rajapov
Tahririyat manzili:
100047. Toshkent shahar, Sayilgoh ko'chasi, 35.
Tel.: (0371) 233-66-36, 233-41-09.
Faks: (0371) 233-37-48.

Web-sayt: www.tsul.uz
E-mail: lawjournal@tsul.uz
E-mail: tn.tdyu@mail.ru
Obuna indeksi: 1387.

Jurnal 20.06.2022-yilda tipografiyaga topshirildi.
Qog'oz bichimi: A4. Shartli 15,24 b.t. Adadi: 100.